

ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИГА ДОИР

Исақов Улуғбек Тўхтасинович

ФарДУ, Санъатшунослик факультети Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7256818>

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек мусиқа маданияти ривожининг ижтимоий фалсафий омиллари атрофлича муҳокама қилинган. Бундан ташқари ўзбек мусиқа маданияти ривожланиш босқичлари жараёнида юзага келган омилларнинг ўрни борасида фикр мулоҳазалар билан бойитилган.

Калит сўзлар: маънавият, ўзбек мусиқа маданияти, устоз- шогирд услуби, ижтимоийлашув, миллий гуруҳ, ифтихор, фалсафий, ижтимоий тафаккур.

О СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИХ ФАКТОРАХ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОЙ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

Аннотация. В данной статье подробно рассматриваются социально-философские факторы развития узбекской музыкальной культуры. Кроме того, он обогащается мнениями о роли факторов, имевших место на этапах развития узбекской музыкальной культуры.

Ключевые слова: духовность, узбекская музыкальная культура, стиль учитель-ученик, социализация, национальная гордость, гордыня, философское, общественное мышление.

ON THE SOCIAL PHILOSOPHICAL FACTORS OF THE DEVELOPMENT OF UZBEK MUSIC CULTURE

Abstract. In this article, the socio-philosophical factors of the development of Uzbek music culture are discussed in detail. In addition, it is enriched with opinions about the role of factors that occurred during the stages of development of Uzbek music culture.

Keywords: spirituality, Uzbek music culture, teacher-disciple style, socialization, national pride, pride, philosophical, social thinking.

КИРИШ

Баркамол шахсни тарбиялаш барча даврларда долзарб ижтимоий аҳамият касб этиб келган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёш авлодни ижтимоий-маданий омиллар асосида тарбиялаш муаммоларига кўпроқ эътибор берилмоқда, бу эса замонавий жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомиллашувини натижасидир. Таълим тизими шахсининг ижтимоий, маданий ва маънавий ривожланишининг мақсадли жараёнида етакчи омил, муҳит ва педагогик механизм вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.” [1,344].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мусиқа шахсининг ижтимоийлашуви, муайян ходиса ва ҳолатларини қайта тикловчи, унинг диққатини жалб қилувчи ва бошқарувчи, шунингдек кишиларнинг меҳнат унумдорлигини оширувчи хусусиятга эга. У сўзсиз ва кўриш имкони бўлмагандаги мулоқотдир. Мусиқа ҳис қилиш қобилиятни тарбияловчи восита бўлиб, ундан ақлий ва жисмоний кучларнинг ўзаро координация ва интеграция қилиш воситаси, энергия манбаи,

хақиқатни юзага чиқарувчи восита, инсон онгининг трансформацияси учун курул сифатида фойдаланиш мумкин. Ва ниҳоят, мусиқа кишиларни коинот билан боғловчи куч ҳамдир. Бу рўйхатни давом эттириш ёки ҳар бир бандини кенгайтириш мумкин, лекин энг муҳими шунчалар имкониятга эга бўлган мусиқадек ижтимоий ҳодисадан инсон онги ва тафаккурини юксак даражаларга олиб чиқиш учун фойдаланиш даркор.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида миллий мусиқа меросимиз маданиятимизнинг бошқа жабҳалари каби инсонларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кўтариш, уни ватанпарвар ва халқсевар бўлиб шаклланишида катта омил эканлиги этироф этилиб келинмоқда. Мусиқий қадриятлар ва замонавий куй ва оҳанглар ёшлар маънавиятини шакллантиришда аҳамияти каттадир. Шу мақсад билан республикамызда охириги пайтда турли фестивал ва мусиқа байрамлари ўтказилиб турибди, ўрта ва олий ўқув юртларида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар ва ҳ. Улар тўғрисида маълумотлар қатор даврий нашрларда, радио ва телевидение эшиттиришларида, интернет саҳифаларида кенг тарғиб этилиб келмоқда. Бу мавзу давлат миқёсида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Инсон маънавий дунёсининг шаклланиши, шахс ва мутахассис сифатида намоён бўлиши таълим-тарбиянинг уйғунлигига боғлиқ. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан фойдалангандагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялаш мумкин бўлади. Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов етук маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, шундай деган эди: “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир... Бу ҳазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди.” [2,143]

Маънавият ижтимоий ва фалсафий категория сифатида кенг қамровли тушунча бўлиб, одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи, баркамол шахсни шакллантиришда, инсоннинг маънавий-маърифий даражасини юксалтиришда ўрни беқиёсдир омилдир.

Мусиқа эса маънавий камолотга етакловчи воситалардан бири бўлиб, унинг ҳар қандай жанри маънавий тарбия асоси бўла олади. Мусиқа мустаҳкам билим олишга, миллий қадрият, маънавий баркамоллик, умрбоқий анъаналар ва аждодлар таълимотини ёшлар онгига, турмуш тарзига сингдириш каби омиллар ила тарбия ишига кўмаклашади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Марказий Осиё мутаффақирлари ва олимларининг илмий меросида мусиқа илми жамият ва унинг аъзолари ижтимоий тафаккурида катта ўзгаришларни амалга оширувчи омил сифатида талқин этилди.[3] Бундан ташқари, агар қомусий алломалар мусиқа илмини математика таркибида ўрганган бўлсалар, уйғониш даврининг сўнгги асрларида мусиқа илми мустақил фан сифатида тараққий этди. Уйғониш даврида мусиқа илми таркибан илму ийқоъ, илму таълиф (ал-мусиқа ал-назарийя) ва бастакорлик ҳамда ижрочилик санъати (ал-мусиқа ал-амаллийя)ни қамраб олган бўлиб, бу соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос услубий ёндашувда мукамал даражада тадқиқ этилди.

Ўзбек шарқшунос олимларининг янги тадқиқотлари ва ўрта аср мутафаккирларининг мусиқа маданиятига оид рисолаларидаги ўзбек халқи мусиқий тафаккур тараққиётининг анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириб бориш тарихий жараёнини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Муסיкий маданият дастлаб синкретик (қоришув) ҳолатда бўлганлиги тўғрисида Авесто китоби ва бошқа қадимги ёзма ёдгорликлар, шунингдек, Ўрта Осиё халқларининг турмуш тарзи, уларнинг урф-одатлари, тўй-томошаларининг архаик элементлари гувоҳлик беришига синфсиз жамият шароитида Ўрта Осиё муסיқа асбобларининг асосийлари, яъни уриб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган ва торли созлар турлари вужудга келган.

Шарқ мутафаккирларнинг фалсафий таълимотларида муסיқа санъатига оид қатор фикрлар билдирилган. Улар таълим ва тарбиянинг ягона вазифаси – жамият талабларига тўла мос равишда ва ягона бутунликда, тинчлик ва фаровонликда яшашга ҳақли идеал инсон тайёрлаш деб тушундилар. Муסיқа эса инсон ички дунёсининг ҳиссиётли томонлари билан бирга маънавий оламини бутунлай ифода этиб, унинг ақлий ва ирода кудратини, яхлит қиёфасини ярата оладиган ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилди. Уларнинг ижодида муסיкий-тарбиявий қарашлар ўзига хос икки услубда талқин этилди. А) муסיкий-назарий (Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, А.Жомий ижодида). В) муסיкий-дидактик (У.Кайковус, А.Навоий ижодида).

МУҲОКАМА

XX асрнинг биринчи ярмида ўзбек муסיқа санъатининг назарий асосларини яратишда А.Фитратнинг меҳнати катта бўлди. Унинг “Ўзбек мумтоз муסיқаси ва унинг тарихи” китоби Ўзбекистон муסיқа маданиятида янги қарашлар шаклланишини кўрсатди.[4] Унингча дунё муסיқа маданиятидаги Шарқ ва Ғарб муסיқаларининг илғор анъаналарини камол топтириб, ижодий ютуқларга эришиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида Республикада мумтоз куй ва оҳанглар билан бир қаторда эстрада ҳам ривож топди. Ҳозирги кунда унинг йўналишлари кўпайиб кетиб, ёшлар тарбиясига ижобий билан бир қаторда салбий таъсирлар ҳам кўрсатмоқда.

Мақом халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси. Ушбу санъат ривожланишининг узок даврини босиб ўтган, кўплаб ҳофизу-санъаткорлар, бастакору-хонандалар унинг тадрижий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшганлар. Уларда инсон кечинмаларининг энг нозик оҳанглари жамланган. Мумтоз мақомлар ҳақида сўз бораркан, шууримизда, табиийки, бу бебаҳо қадриятнинг бизгача етиб келишида яқин ўтмишдаги мураккаб шарт-шароитларда маънавий жасорат ва жонбозлик кўрсатган устоз санъаткорларнинг сиймоси гавдаланади.

Бухоро – Шашмақом ватани ва ушбу санъатни ривожлантирган макон ҳисобланади. Шунингдек, Бухоро кўп миллатли шаҳар бўлиб, у ўзида ўзбек ва тожик муסיқа маданиятининг энг ёрқин намуналари, анаъаналари ва услубларини ўзида мужассам этган кўхна ҳудудлардан биридир. Мана шу заминнинг ўз касбининг усталари бўлган ҳофиз, созанда ва бастакорлар меҳнати ўлароқ бугунги кунгача Шашмақомни такомиллашиб келишида ўзбек мақомдонлари муносиб ҳиссалари борлигини эътироф этиш ўринлидир.[5,1]

Бугунги кунда маънавиятга бўлган юксак эътиборнинг натижаси ўлароқ, ёшларда анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириш, мазкур жараённи янгилаш, уни замон талабларига мос тарзда юксалтириш ҳамда ёшларнинг бадиий-муסיкий дунёқарашини кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар жамият ижтимоий ҳаётининг долзарб масалаларига айланди. Зеро, “Мумтоз муסיкий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро муסיкий

анжуманлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда”, [6,140]-деган фикрнинг фалсафий моҳияти ёшлар мусиқий тафаккурининг янгиланиш жараёнларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган.

Ўзбек халқининг бой мусиқа меросини ўрганиш ва уни кенг омма ичида тарғиб қилиш ишлари санъатимизнинг жонкуяр ташаббускорлари, моҳир ижрочилари зиммасида бўлган. Чунки бизнинг давримизгача етиб келган улкан мусиқий меросни устоздан-шогирдга бевосита ўтишида табаррук зотлар кўприк вазифасини ўташ билан биргаликда ўзларининг анъанавий ижрочилик маҳоратлари билан ҳам намуна бўлганлар.

Жумладан, Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Шораҳим Шоумаров, Матюсуф Харратов, Матпано Худойбергандов, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Юнус Ражабий, Домла Халим Ибодов, Уста Олим Комилов, Мамадбува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Тўхтасин Жалилов, Сафо Муғанний, Хожихон Болтаев, Нурмухаммад Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Содиқов, Комилжон Жабборов, Имомжон Иқромов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Набижон Хасанов, Мухторжон Муртазоев, Доний Зокиров, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Расулқори Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Султонали Маннопов ва бошқалар устоздан шогирдга ўтиб келаётган асрий анъаналарни давом эттириб, янги мазмун, янги ғоялар билан пайванд қила олган табаррук устозлардир.

Шу нуқтаи назардан олганда мусиқий маданиятнинг ёшлар анъанавий ижрочилик маҳоратини оширишда ҳамда уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришдаги тутган ўрнини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек миллий мусиқа маданиятида миллий қадриятга айланган асарлар сарасига “Мақом”лар киради. Улардаги чуқур мазмун оддий инсонлардан тортиб, етук мусиқашуносларни ҳам ҳайратга солиб, тобора янги қирраларни очмоқда. Тановор куйи, ашула ва рақси ҳам ўзбек халқининг чинакам миллий қадриятидир. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги мусиқа асарларидан Ўзбекистон Давлат мадҳияси ҳам қадрли. Ушбу мерос ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда, уларни ҳар томонлама комил инсон қилиб вояга етказишда салмоқли руҳий ва маънавий озик бера оладиган ғоявий ва ҳиссий тарбия воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Халқ яратган кўшиқларнинг ҳамма турларида юксак, олижаноб ғоя ихчам бадий шаклларда ифодалангандир. Уларга лапар, ялла, терма, ашулалар киради ва кўпчилик тингловчиларга мўлжалланган. Кўшиқнинг мазмунида ёшларга ва умуман ватандошларга бўлган қақриқ руҳи сезилиб туриши, Ватан мустақиллиги нақадар буюк қадрият, уни эъзозлаш, ҳимоя қилиш ёшлар учун бурч ва муқаддас эканлиги ифодаланиши керак.

Шарқ халқларининг бетакрор миллий мусиқаси ва кўшиқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, миллий анъаналарни сақлаш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда ижодий ҳамкорлик ва маданий-маънавий алоқалар доирасини кенгайтириш мақсадида республикада мустақиллик йилларида “Шарқ тароналари”, “Асрлар садоси”, “Бойсун баҳори”, “Мақом” “Хунармандчилик” фестиваллари каби анжуманлар ўтказиладиган бўлди ва улар ёш авлодни миллий мусиқа санъатига муҳаббат руҳида тарбиялашда албатта ўз самарасини кўрсатади.

ХУЛОСА

Ўзбек мусиқа маданияти ривожининг энг юксак намунаси бўлган миллий мусиқа санъатига фақат мазмунли дам олиш воситаси деб эмас, балки халқимизнинг руҳи ва маънавиятини юксалтириш, унинг хис-туйғулари ва инсоний фазилатларини камол топтириш, яхши хислатли инсонларни вояга етказишнинг оқилона усули деб қараш бугунги кун талабидир. Бунинг учун “устоз-шогирд” таълим услуби асосида тараккий топган миллий мусиқий жанрларимиз шакли-тамоилларининг ўзига хос ўрнини абадийлаштиришда қуйидаги тавсияларимизни тақдим этамиз:

- ўзбек миллий мусиқа меросимизни жамият таракқиётидаги ролининг ўзига хос ўрнини белгилаш;

- анъанавий ижрочиликнинг шахс камолотида муҳим руҳий-эмоционал омил эканлигини аниқлаш;

- ёшларнинг мусиқий қобилияти, иқтидори, истеъдоди, ижодий фаолиятини ривож топиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

- анъанавий ижрочиликнинг замонавий педагогик усуллари ишлаб чиқиш зарурдир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.344
2. И.Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч”, - Т.: Маънавият, 2009,143б.
3. Иброҳимов О. К семантике мақомов San at 1998 № 1-3
4. Джумаев А. “Узбекская классическая музыка Фитрата и борьба идей» «Центральная Азия и Кавказ». Центр политических исследований (Швеция)1997-2005
5. <https://scholarzest.com/index.php/esj/article/view/852>
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 140
7. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In Archive of Conferences (pp. 49-52).
8. A. Karimov (2022). O'ZBEK MUMTOZ MUSIQASINING UMUMNAZARIY ASOSLARI. Science and innovation, 1 (C6), 317-322. doi: 10.5281/zenodo.7197976
9. Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOIIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. Science and innovation, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842
10. I. Rustamov (2022). DOYRA CHOLG'USIDA IJROCHILIK MAHORATINI OSHIRISHDA QO'LLANILADIGAN MASHQLAR MOHIYATI. Science and innovation, 1 (B6), 456-460. doi: 10.5281/zenodo.7164885
11. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 5, 74-77
12. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. Scientific progress, 3 (2), 841-845.
13. Исаков Улуғбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ,

- МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
14. Исаков Улуғбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
 15. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
 16. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
 17. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
 18. Nurmuhhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
 19. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
 20. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
 21. Nasretdinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
 22. M. Nasritdinova (2022). ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (B6), 950-955. doi: 10.5281/zenodo.7195710
 23. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
 24. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 538-549.
 25. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MANORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). *Science and innovation*, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
 26. Najmetdinova, M., & Odinahon, S. (2021, October). HISTORY OF TRADITIONAL PERFORMING ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 89-91).
 27. Navoi. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2410-2413.
 28. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА

- ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In Условия социально-экономического развития общества: история и современность (pp. 148-151).
29. Нажметдинова, М. (2022). Общественно-культурные мероприятия теоретические основы. Общество и инновации, 3(3/S), 473–479. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp473-479>
 30. Асқарова, М., Намозова, Д., Мадаминов, Н., & Алихонова, Д. (2020). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(7), 402-407.
 31. Nomozova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY IN STAGES. Архив Научных Публикаций JSPI.
 32. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. Scientific progress, 2(2), 1313-1315.
 33. Namozova Dilorom, & Astanova Zumradxon Tohirovna (2022). BRAYL NOTA TIZIMINING MUSIQA TA'LIMIDAGI ILK QADAMLARI. Science and innovation, 1 (C2), 36-38. doi: 10.5281/zenodo.656980
 34. Omadjon Rakhimov Nurmuhammadovich, Jamoldin Muydinov Sharobidinovich, Mahmudov Ismoiljon Isroilovich, & Usmanova Shoxista Shavkat qizi. (2022). UZBEK MUSIC HISTORICAL THE ROLE OF FOLKLORE CREATION IN DEVELOPMENT. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10 (3), 557-559. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/1520>
 35. Дилобар Жўрабоева (2022). ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИКПСИХОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ. Science and innovation, 1 (C3), 19-23. doi: 10.5281/zenodo.6655382
 36. Маннопов, С., & Сулейманова, Д. К. (2019). Музыкальное наследие узбекского народа. Проблемы современной науки и образования, (10 (143)), 82-84.
 37. Маннопов, S. (2004). Uzbek folk music culture.(Study guide) Tashkent. New Age Generation.
 38. Маннопов, С. (2018). Навобахш оҳанглар. Т.: IJOD-PRESS нашриёти.С.
 39. Маннопов, С. У. Л. Т. О. Н. А. Л. И. (2004). Ўзбек халқ мусиқа маданияти. Янги аср авлоди.
 40. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна (2022). ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Science and innovation, 1 (1), 892-903. doi: 10.5281/zenodo.653977